Луқмон сураси 4 оят

08:16 / 16.06.2017 3685

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ

«Луқмон» 4. Улар намозни тўкис адо этадиган, закотни берадиган ва охиратга аниқ ишонадиганлардир.

Аслида, Қуръони Карим бутун оламлар учун ҳидоят ва раҳматдир. Бу нарса бошқа оятларда таъкидланган. Аммо ушбу оятда мазкур сифатларга эга бўлган муҳсинларга унинг ҳидоят ва раҳмат эканини айтишдан мурод ана ўша кишиларгина Қуръондан тўла манфаат ола билишларини таъкидлашдир. Муҳсин киши Аллоҳга холис ния ила илтижо этиб, мақсадини ва амалини яхши қилган кишидир.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эҳсон Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғингдир», – деганлар.

Ояти каримада муҳсинларнинг намозни тўкис адо этиши, закот бериши ва охиратга аниқ ишонч ила иймон келтириши эслатилмоқда. Бу сифатлар ҳар бир инсон учун ўта лозимдир. Дарҳақиқат, ушбу сифатлар билан сифатланиб, муҳсин бўлиш даражасига етган кишиларгина Қуръони Каримдан, унинг ҳидоят ва раҳматидан тўлиқ манфаат ола биладилар.